



ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

• 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

• 1993 йил, 30 июль № 31 (70) •

Нархи 15 сўм.

ИЛҒОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

Алоқа вазирлиги соҳанинг энг яхши ходимлари учун муассаса мукофотларини таъсис этди. Меҳнатда юқори натижаларга эришиб, алоқа корхонасининг ривожланишига шахсий ҳисса қўнган ва мижозларга намунали хизмат кўрсатганлар ташкилот маъмурияти ва касаба уюшмаси тавсияси билан вазирликнинг мукофотлари билан тақдирланишади.

Энг яхшилар «Моҳир алоқачи» фахрий унвони ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланади. Мазкур мукофотлар низомига кўра, тақдирланганлар бир йўла икки ва бир ойлик иш ҳақи миқдоринда моддий рағбатлантирилади. Бундан ташқари, «Моҳир алоқачи» унвонига сазовор бўлганлар ойлик маошига 10 фоиз иш ҳақи қўшилиб, телефон ва радио нуқтадан бепул фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Тошкент электр алоқаси институти ва Тошкент алоқа коллежининг аҳоли баҳолашга ўзлаштирувчи талабалари учун ҳам тегишли рағбатлантиришлар жорий этилди. Алоқа вазирлиги томонидан ташкил этилган махсус стипендия 3 нафар институт ва 2 нафар коллеж талабасига берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъати аъзолари учун ҳам бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Жумладан, йил якунига кўра ҳар бир ҳайъат аъзоси бир ойлик маош миқдоринда моддий тақдирланади. Бундан ташқари уй телефони ва радио нуқтасидан текин фойдаланади. Ҳар бир ҳайъат аъзоси алоқачилар дам олиш уйига бепул йўлланма ва «Хабар» газетасига обуна бўлиш ҳуқуқига эга бўлишади. Мазкур имтиёзлар учун харажатларга маблағ ҳайъат аъзосининг иш корхонаси ҳисобидан ўтказилади.

Иқтисодийни ислоҳ қилиш, бозор шароитида янгилаш мустақилликка эришган Ўзбекистон халқ хўжалигини янгилаш ташкил этишни тақозо этади. Бу муаммони ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бирдек ҳал этиш давр талаби.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида бу борада собитқадамлик билан иш олиб борилаётганда. Бошқарувни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги бир-икки йил ичида алоқа тармоғини такомиллаштириш юзасидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, лозимки, бу борадаги ташаббус асосан Алоқа вазирлиги К. Р. Раҳимов томонидан ўртага қўйилмоқда.

Соҳада ишни бир маромда ташкил этиш учун урта конперн тузилган. Ана шу асосда мана иккинчи йилдики бу хизматлар алоҳида, бир-бирига қарам бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, ўзаро ҳисоб-китоблар, халқаро алоқаларни йўлга қўювчи янги корхоналар ишга туширилди.

Кейинги вақтда вазирликнинг марказий дево-

БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ— ДАВР ТАЛАБИ

ни фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда мутахассислар билан ўзаро шартнома-лар асосида иш кўришга ўтилди. Асосий юмушлар бўйича режалар ишлаб чиқилган. Вазирликда янгитдан бошқарув ва мол-мулкчилик, нормативлар ва лицензиялар, халқаро алоқалар бўлимлари тузилиб, фаолият кўрсатмоқда. Аммо ҳаёт бир жойда туриб қолмай, ўсиб бораётган талабларни қондириш учун янги тадбирлар белгилаш тақозо этади. Шу боис вазирлик девонининг иши яна қайта кўриб чиқилди. Амалга оширилган ўзгаришлар корхоналарга кўпроқ ҳуқуқлар бериш, соҳадаги давлат корхоналари ва ташкилотларининг бир маромда ишлашига имкон яратишдан иборатдир. Бу борадаги ишни янада жонлантириш мақсадида Алоқа вазирининг буйруғи билан вазирлик дево-

лик ишини ташкил этишга қаратилади.

— радио алоқаси, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар узатиш корхоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

— электр алоқаси корхоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

— саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва моддий техника таъминоти корхоналари ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш.

Янги бўлимлар ходимлар сонини ошириш ҳисобига эмас, балки, мавжуд иш тизимини такомиллаштириш, ишловчилар рўйхати ва лавозимларини қайта кўриб чиқиш ҳамда кадрлар ўртасида айрим ўзгаришлар ҳисобига амалга оширилди. Вазир ўринбосарлари, бўлим бошликлари, мутахассислар иши аниқ белгилаб олинди. Уларнинг фаолияти янгилаш шароитида вазир-

лик ишини ташкил этишга қаратилади.

Хўш, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги девонинда иш тизими қандай ташкил этилган? Вазир ва унинг тўрт ўринбосари (улардан бири «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси) — Вазирлик раҳбариятини ташкил этиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари вазир буйруғи билан белгиланган. Вазирликда янги тузилган бўлимлардан ташқари раҳбар ва мутахассислар, молия ва иқтисодни белгилаш, бошқарув ва мол-мулкчилик, нормативлар ва лицензиялар, халқаро алоқалар, ҳисоб-китоб, умумий бўлимлари бор.

Мавжуд иш тизими бугунги кун талабларига тўла жавоб бериб, Ўзбекистондаги давлат алоқа корхоналарини бошқаришга ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР *

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Россия Марказий банкнинг 1961-1992 йиллар намунасидаги СССР давлат хазина билетларини, СССР давлат банки билетларини ва Россия банки банкнотларини муомаладан чиқариш ҳамда Россия банкнинг 1993 йил намунасидаги банкнотларини жорий этиш тўғрисидаги қарори билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида» қарор қабул қилди.

● Эрон Ислоҳ жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги фавақулда ва мухтор элчисини этиб тайинланган Саид Муҳаммад Мусо Хошимий Гўлройгоний мамлакатимиз Президентини И. Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

● Республика Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, Давлат қўмиталари, концерн, корпорация, уюшма-лар раҳбарлари ҳамда вилоят ҳокимлари иштирокида йнгилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президентини И. Каримов нуқ сўзлади.

● Нью-Йорк сенати қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов Америка — Ўзбекистон муносабатларини мустақамлаш ва ривожлантиришга қўнган алоҳида ҳиссаси учун Нью-Йорк штатининг фахрий фуқароси этиб сайланди.

● Тошкентдаги радио электрон аппаратлари заводида «Семург» Ўзбекистон — Ҳиндистон телевизори-нинг биринчи туркуми ишлаб чиқарилиди. У 220 вольт куланиши электр тармоғидан ҳам, 12 вольтли батареялардан ҳам ишлайверади.

● Тошкентда нашр қилинган «Заман-Ўзбекистон» газетаси бир йилга тўлди. Утган тавр мобайнида газета оммаланиб, ўз муҳлисини топди.

● Бобур номидаги халқаро жағфарманинг илмий экспедицияси Андижондан Ҳиндистон сафарига йўл олди. Бир гуруҳ бобуришунослар сафар давомида Афғонистон ва Покистондаги бу-

юк бобомиз ўтган жойларини эиберат қилишади.

● Россия Федерацияси Президенти В. В. Ельцин «Алоқадан йўлдошли телекоммуникация тизимини тузиш тўғрисидаги» фармонга имзо чекди. Янги тизим РФнинг Европа қисми, Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳудуди, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида алоқа хизмати-ни такомиллаштиришга хизмат қилади.

● Свердлов вилояти прокурори вазифасини бажарувчи Ф. Кондратьев халқ депутатлари вилоят кенгаши-нинг вилоятини Россия таркибидаги республика деб эълон қилинишига раддия берди. Унда қонунга зид бўлган қарор бекор қилиниши сўралган.

● Америкалик 8 нафар йнги Кременчуг учувчилиги билим юртида ўқиш истагини билдирди. Улар бу ерда ўқиш анча арзон тушини ва олинган билимлар жаҳон талабларига тўла жавоб беришини ҳам ҳисобга олишган.

БУГУНГИ СОҢДА:

● **ВАЗИРЛИК БОШҚАРУВИ ТАКОМИЛЛАШДИ**

● **«МОҲИР АЛОҚАЧИ» УНВОНИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?**

● **ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚАРОР ҚИЛАДИ...**

КЕЛГУСИ СОҢЛАРДА:

● **ИШҚ ВА СОҒИНЧ ОСТОНАСИ**

● **РАСУЛҲУЛОХ АВЛОДЛАРИ КИМЛАР?**

● **БИР ПИЕЛА МУСАЛААС**

● **ЗАҲАР ХАМ КОР ҚИЛМАҚДИ**



«Хабар»нинг шу йил 7 май ва 18 июнь сонларида республикамизда алоқа хизматини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, биринчи олий маълумотли ўзбек алоқачи мўҳандиси Юсуф Ҳошимович МУҲАМЕДОВнинг Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги даврлардаги хотиралари билан газетхонларимизни таништирган эди. Ушбу суҳбат ҳам ўша гуруннинг манتيқий давомидир.

ПОЧТАЧИЛАР ОТАСИ

Авалги суҳбатимизда айтганимдек, 1938 йили Тошкентга келган дастлабки кунларимдан олоқа Тошкент алоқа политехникумида (ҳозирги алоқа коллежи) ўқитувчилик қила бошладим. Раҳбарлик лавозимларида ишладим. Тақдир тақозоси билан қаерда ишламай, асосий вазифаларимдан бири ҳам, севган машғулотларимдан бири ҳам почта иши бўлиб қолди. Шу боис ҳар йилги иш вақтининг ярмини турли вилоятлар, туманлар, чекиа кишлоқлардаги почта бўлимларида ўтказардим.

Республика почта бўлимлари бошқарилидан №60-70 фонзининг фамилияси, исми, оилавий шартини билардим. Почта ходимларининг дардлари, ташвишлари менга жуда яхши таниш бўлганили учун уларга кўлимдан келганча ёрдам берардим. Почта ходимлари ҳам мен билан ўз қадрларидек бемалол суҳбатлашишар, оилавий, ҳаётий масалалар ҳақида ҳам маслаҳатлар сўраб туришарди. Алоқа техникумида 22 йил Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси бўлдим. 1946-48 йилларда почта қондаларини ўзбекчага таржима қилдим. Почтачилар учун қўлланма ёздим.

Алоқа ҳунар-техника билим юрталарида ва алоқа техникумида фойдаланиш учун почта бўлимларини ташкил этиш, ишлатиш борасида ўзбек тилида «Ўзбекистонда почта алоқаси», «Ўзбекистон алоқа воситаларини ривожлантириш» каби китоблар ёздим. Москвада мунтазам равишда почта бўлимларида қўлланма сифатида фойдаланиш учун «Почта алоқаси қондалари» тўплами чоп этилиб туриларди. Мен шу тўпلامни чиқаруви тахрир ҳайъати аъзоси эдим.

Пенсияга чиққангидан кейин ҳам анча вақтгача алоқа техникуми билан ҳамкорлик қилиб келдим. Талабалар почта, темир йўл ва авиа почта тугуналирида, почта бўлимларида ишлаб чиқариш амалиётида бўлишарди. Мен ишлаб чиқариш амалиёти раҳбари эдим. Почта корхоналарида тез-тез маъруза ва суҳбатлар ўтказиб турилар, тажрибаларини ёш ҳамкасбларим билан ўртоқлашар, уларга маслаҳатлар берад эдим. Меҳнатларим зое кетмади. Республикада почтачиларнинг ҳурматини, меҳрини қозонишга муваффақ бўлдим.

Улар мени «почтачилар отаси» дейишарди. Бу ном хизматларим эвазига менга берилган энг юксак баҳоидир.

АЛОҚА МУЗЕЙИ

Нафақага чиққач, амалга оширган зағу ишларимдан бири Хевадаги алоқа музейини ташкил этилиши бўлди. Республикада ўз соҳасининг музейи бўлган вазириликлар бармоқ билан санарликлар. Сабаби, музейни ташкил этиш, уни ёксонатлар билан мунтазам боийиб туриш, соҳа соҳибларига ҳам, четдан ташриф бурувачиларга ҳам манзур қилиш анча мушкул иш. Алоқа музейи ҳам бундан истисно эмас.

1985 йили Алоқа вазириликда бўлиб ўтган учрашулардан бирида менга алоқа музейи ташкил этишда бош-қош бўлиб туришни таклиф этишди. Аслида музей ҳақидаги фикр менда ҳам пишиб этилиб, орзуларимдан бири бўлиб қолган эди. Фақат музейни қачон,

қай тарзда ва қаерда очиб ҳақида ҳали аниқ режамай йўқ эди. Музейни Хевада очиб қарор қилинди. Бунинг сабабларидан бири Хеванинг тарихий обидаларга бойлиги, бу «музей шаҳар»га собиқ Иттифоқнинг ҳам, дунёнинг турли бурчакларидан ҳам келаётган сайёҳларнинг кети узилмаслиги бўлса, иккинчи томондан бошқа шаҳарларда, хусусан Тошкентда музейоб бионинг йўқлиги эди.

Хевада инқилобдан илгари курилган алоқа уйи бўлиб, у ерда то ўша вақтгача алоқа бўлими фаолият кўрсатиб келаётган бино бор эди. Алоқа вазирилик ва Хоразм вилояти раҳбарияти ўзаро келишиб, музейни айнан шу бинода ташкил этиш, почта бўлимининг эса бошқа биного кўчирши ҳақида қарор қабул қилдилар. Алоқа вазириликнинг берча алоқа корхоналари раҳбарлари ўз соҳаларига таалуқли масалаларда, хусусан музейни экспонатлар, тарихий ҳужжатлар билан таъминлаш борасида ёрдам беришлари ҳақида ҳам келишиб олинди.

Бионини таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик. Тошкентдан борган рассомлар ва мутахассислар билан бирга анча вақтгача Хевада бўлдим. Ниҳоят Хоразм вилояти, Алоқа вазирилик раҳбарлари иштирокида музей тантанали равишда очилди.

Афсуски, кейинги пайтларда



— кенгаш тавсияси бўйича тажрибали мутахассис фахрийлардан иборат маслаҳатчилар гуруҳи тузиш, алоқа корхоналари фаолиятига доир қондалар таклиф ва мулоҳазалар билан қўшиқчи туриш, лозим бўлса тажрибали мутахассис сифатида амалий ёрдам бериш.

— ишлар билан ишлаш гуруҳи тузиш. Ешларда алоқачилик касбига меҳр уйғотишда, уларни алоқачи ва инсон сифатида шакллантиришларда ёрдам бериш.

Кенгаш вазифалари давр талаби ва конкрет шартондан келиб чиқиб, янги дастурлар асосида ўзгариб туриши мумкин.

Ўқин кунларда фахрийлар

нинг камлиги мени безовта қилади. Бунинг сабаблари эса жуда узоқ-узоқларга бориб тақалади. Еган китобларини материал тўплаш жараёнида ўз даврда норасмий бўлган кўпгина далилларга дуч келганман. Шулардан бири 1868 йили генерал губернатор К. Ф. Кауфманнинг чиқарган буйруғидир. Бу буйруққа «биноан» маҳаллий миллат вакилларининг алоқа корхоналарида ишлаши ман этилган. Кейинчалик катта бойлар, айрим идоралар ташаббуси ва ҳомийлиги билан маҳаллий миллат вакиллари отборлик, аравақилик ишларигагина олина бошлаган. Инқилобдан кейин эса 3-5 ойлик курслар ташкил этилиб, ўзбеклардан почта агентлари, мон-

ҲАЁТ ЙЎЛДУР

Тўлқинжон, олдинги суҳбатимизга «Умр лаҳзалари» деб сарлавҳа қўйибсан. Газетада сарлавҳага кўзим тушиши билан мақолани ўқиб бўлиб, узоқ ўйга толдим. Шу йил 4 апрелда 80 ёшга тўлдим. Тугилиб, ёшлик йилларим ўтган Тошкентнинг Кўча даҳаси, ёшлиқдаги қадрдон дўстларим — кейинчалик ҳаммага маълум ва машҳур Карим Зокиров, Шукур Бурхоновлар, талабалик йилларим, уруш даҳшатлари, жудодиллар, урушдан кейинги одамларнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаган кунларим, нафақага чиққандан кейинги ҳаётим — ҳамма-ҳаммаси беихтиёр бир-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади. Дарҳақиқат, инсон умри беҳисоб лаҳзалардан иборат бўлиб, «томчида қуёш акси бор» деганларидек, инсон умри олданда бир сониялик бўлган умр лаҳзалари шу инсон ҳақида тасаввур ҳосил қилишда, унга баҳо беришда омил бўлар экан.

Киши ёши улғайган сари ўтган умрига тез-тез назар соладиган, ишларини сарҳисоб қиладиган бўлиб қолиаркан. Бир шоирнинг китобини ўқиб туриб унинг таржималари орасидан мисрлик шоир Абдурахмон Ал-Ҳоимсининг: «Ҳаёт-йўлдуз, бу йўлдан ўтиб бормоқдамиз бизлар, Бугун биз, эрта, индики йўлчиқдир бизнинг ўтмиш қизлар.

Улар эсларимки бизки, агар биз йўлчи бўлган чоғ, Ўттиб елдек улбурга, қолдирмасек бирон излар»

деган мисраларига кўзим тушиб қолди. Дарҳақиқат, ҳаёт йўлдуз. Узоқ йўлга олганган йўловчи вақти-вақти билан боини ўтган йўлга қараб қўйганидек, инсон ҳам ўтган умрига назар солиб, уни тахлил қилиб турса чакки бўлмайдими. Мен бутун ҳаётим даврида иккита нарсга айниқса қаттиқ амал қилиб келдим. Шулардан бири одамларга баҳоли кўрад тахлил қилиш бўлса, иккинчиси молу дунёга хирс қўймайлик бўлди. Атрофимизда аҳоиликни унутмайдиган аждоий одамларимиз кўп. Узоққа боришининг ҳождати йўқ. «Хабар» саҳифаларида суҳбатларимиз босилиб чиққангидан кейин мени танган, танимаган қанчадан-қанча одамлар телефон қилишиб каминани табриқлашди. Юрагим қувончга тўлиб кетди.

«Молу дунёга хирс қўйган, кўзи молу дунёга тўймай тупроққа тўлганларнинг қай бирини айтмай! Ҳадиси шарифларда: «Оз бўлиб кифоя қилиб тургани, кўп бўлиб йўлдан оздирганидан ахшидир», дейилган экан. Айнан шундай яшаб келаётганимдан худого шукур қиламан.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ ёзиб олд.

СУРАТДА: Ю. Ҳ. МУҲАМЕДОВ (олдинги қаторда чапдан тўртинчи) бир гуруҳ меҳнат фахрийлари даврасида.

Фахрийлар—фахримиз

ОРОМ БИЛМАС ҚАЛЪ

музей ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бозор иқтисодиёти, маблаг йўқлиги сабабли ёпилди. Бу ҳақда «Хабар» газетасининг шу йил мей ойи сонларидан бирида афсус-надоматга тўла мақола ҳам босилди. Ўқиб жуда эзилиб кетдим. Назаримда фарзандларимдан бири муҳтож аҳволга тушиб қолиб, илтижоли кўзалари билан қўлларини кўтарганча одамлардан мадад сўраётгандек бўлди. Юрагимнинг аллақаварида «жиз» этиб оғриқ турди...

конференциясини ўтказишга тарадду қўрмоқдамиз. Конференция берча ташкилий масалалар, жулмадан кенгаш раиси, муовинлари, бюро аъзоларини сайлайти, кўпгина бошқа масалаларини ҳам ҳал этиб, ишларимиз ривожига пойдевор қўяди деб ўйлайман.

ШАРАФЛИ КАСБ

Турли учрашуларга тез-тез бориб тураман. Ешлар билан бўлидиган мулоқотларда алоқачилик касби хусусида кўпроқ сўз боради. Мазлумки, алоқа хизмати давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим хизмат туридир. Уруш йиллари айрим ҳарбий қисмларнинг жангдаги маълумиятлари тахлил қилингандан шу қисмининг жанг вақтида бошқа қисмлар билан алоқаси узлиб қолганлиги ёки турли сабаблар билан алоқа воситаларидан фойдалана олмай қолганликлари, натижада атрофдаги воқеалардан бебахар қолиб, қисм командирлари тасарруфларидаги бўлинмаларни бошқара олмаб, парокандаликка учраганликлари сабаб қилиб кўрсатилган ҳоллар бўлган. Тинчлик даврида эса ҳар қандай давлатнинг ривожланиши, иқтисодий бақувват бўлиши ва бошқарувида ҳам алоқа хизмати ва алоқа воситаларининг ўрни ўзига хосдир.

Республикамиз алоқа хизматида, айниқса унинг техника билан бевосита алоқадор соҳаларида ўзбек йигит-қизлари

ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ

Шу кунларда алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Тоҳир Назаржонов ташаббуси, Алоқа вазири Комилжон Раҳимовнинг розилиги ва мени ҳам бу борадаги фикр, мулоҳазаларим инобатга олинган ҳолда республикамиз алоқачилари уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашини тузиш борасида иш олиб бормоқдамиз. Кенгаш низомини ишлаб чиқдик. Низомига кўра кенгаш Ўзбекистон алоқа ходимлари касба қўмитаси қошида тузилади ва унинг раҳбарлигида иш олиб боради. Вилоятларда вилоят кенгашлари тузилиб, вилоятдаги алоқа корхоналари фахрийларини ўз атрофига жипслаштиради. Тошкентда эса республика фахрийлар кенгаши бўлганлиги учун бу кенгашга Тошкент шаҳар ва вилоят фахрийлари аъзо бўладилар. Берча кенгашлар ҳам жамоатчилик асосида иш олиб боради. Кенгаш ўз олдига қўйидагиларни мақсад қилиб қўйган:

— Ватан уруши ва меҳнат фахрийларининг ҳол-аҳволларидан хабар олиб туриш, ногиронлар ва муҳтожларга моддий ёрдам бериш.

Маълумки, 1992 йил 31 март куни республика президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссиясини (ОАК) ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинган эди. Орадан бир йилдан зиёд вақт ўтгач, Тошкент электротехника алоқаси институти қонида «Алоқа каналлари бўйича ахборот узатиш тизимлари ва қурилмалари» ихтисос бўйича илмий кенгаш ўз ишینی бошлади. Ўш кенгаш фаолиятини изоҳлаб беришни шу институт ректори, УзФА мухбир аъзоси Тельман Дадаевич РАЖАБОВдан илтимос қилдик.

— Республика Олий аттестация комиссиясининг қарорига кўра июнь ойидан бошлаб бизнинг илмий кенгашимиз ўз фаолиятини бошлади. Марказий Осиёдаги қардош жумҳуриятларда соҳа бўйича ягона ҳисобланган бу кенгаш таркиби ўн кишидан иборат. ОАК Ўн-омига кўра, уларнинг 6 таси институтимиз олимлари, қолган 4 таси бошқа таълим-лотлардан таълиф қилинган. Улар орасида Т. Раҳимов (Алоқа вазирининг биринчи муовини, техника фанлари номзоди), Ж. Абдуллаев (Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик), институтимизда хизмат қилувчи беш нафар фан доктори бор.

Биз кенгаш фаолиятини асосан юқори сифат меъзолари асосида ташкил қилишни ўз олдимига мақсад қилиб қўйганимиз боис, унинг яшига фақат йирик олимларни жалб қилишга ҳаракат қилдик. Чунки юқоридаги фармон ҳам илмий кенгашлар тизимини тузишдан мақсад — юқори малакада илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш янги тизимини шакллантириш, уларни республика

иятимоний-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг устивор муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий

тротехника алоқаси институти қошида ташкил қилинган илмий кенгаш янгида ҳимояга тавсия этилган биринчи диссертацияни кўриб чиқди. Мазкур номзодин иш муаллифи Д. Лисковичнинг йирик шаҳар шартномада метрли диапазонда радиотўқинларнинг тарқатилиши хусусиятлари мавзусидаги тадқиқоти самарали натижаларга эга деб топилди ва унга фан номзоди илмий даражасини бериш тавсия қилинди.

бевосита ҳимоя ҳаракатлари буни зарур қилиб қўяди.

— Тельман Дадаевич, ҳозирги юксак малакали алоқа мутахассисларини тайёрлаш тартиби, яъни диссертацияни ҳимояга қўйишга бўлган ўқини-ўрганни босқичлари замонавий талабларга жавоб берадими?

— Кенгаш бекорга тузилмади. Бу алоқачи мутахассисларни янада пухтароқ тайёрлашга, энди филлоларимизнинг жаҳонда эркин ҳаракат қилишига ҳам имкон беради. Бошқача қилиб айтганда бизнинг мутахассисларимиз мабодо чет элларда ишлайдиган бўлиса, ҳеч қандай тўсиқсиз, синоваларсиз ўз соҳаларининг билимдони деб тан олинади ва ишга қабул қилинади. Шу мақсадда биз тўрт босқичли олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимига ўтдик. Бунда биринчи босқичда (4 йил) бакалаврлар, иккинчи босқичда (2 йил) магистрлар, учинчи босқичда (3 йил) аспирантлар, охирги — тўртинчи босқичда бўлса фан докторлари тайёрланади (11 йил давомиди). Охирги бўғинда фаолият кўрсатиш учун эса олдинчи барча босқичларини ўттиш лозим бўлади.

Энди ҳамма гап жорий қилинаётган тизимнинг ишлаб кетишида. Буни эса фақат замон ва давр синови ҳал қилишга қодир...

Фазаилдин МАМАРАСУЛОВ суҳбатлаши

• Янгиликдан хабариниз борми? «КЕНГАШ»ЛИ ТҶЙ ТАРҚАМАС

тадқиқотларни давлат йўли билан экспертиза қилиш эканлигини таъкидлайди. Кенгашимизнинг асосий фаолиятини диссертациялар сифатини, илмий самарадорлигини текшириш ва ҳимоядан ўтказишга мўлжалланган. Кенгаш диссертацияни ҳимоя учун қабул қилиб олади, расмий оппонентларни, етакчи муассасани, ҳимоя кунини тайинлайди ва ҳоказо.

Ана шу белгиланган тартиб бўйича Тошкент элек-

Ҳозирги бозор муносабатлари йирик тадқиқот ишлари кенгашларда тадқиқлашда махсус пул тўловларини жорий қилишга мажбур қилмоқда. Шунга қарамадан биз ўзбекистонлик олимларнинг диссертацияларини ҳимоя қилишнинг бе-пул тартибини қўллаямиз. Тўлов фақат хоризжий ҳамкорларимиз — ҳаммасола-ринимиз илмий ишларини кўриб чиқишда қўлланилади, чунки диссертацияларни текшириш, ҳимояга қўйиш ва

сўм, 1993 йил июлдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 11250 сўм қилиб белгиланган, ўртача стипендиялар миқдори ҳам тегишлича 9090, 7065 ва 5925 сўмларга оширилди.

— Бир неча ойдан сўнг 60 ёшга тўламан. Ходимлар қарнилик нафақасини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда маълумият ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинми!

Т. ҚОДИРОВ, Тошкент шаҳри.

— Яқин кунларгача бу мумкин эди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунилари мажмуасининг 41-модда 11-бандида бу ўз аксини топганди. Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси 1993 йил 29-30 июндаги ўз мажлисида Меҳнат қонунилари мажмуаси 41-моддаси 11-бандидаги бу қонда Асосий қонунга мос келмаслигини ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларига эид эканлигини эътироф этди. Ва шу ҳақдаги хулоса эълон қилинган кун, 1993 йил 7 июлдан бошлаб бу модда ўз кучини йўқотди.

Ҳуқуқшунос М. ТУРГУНОВ тайёрлаган



Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бириктирилган автоматик тузатиш бюроси ходимлари низолардан тушган шикоятларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

СУРАТДА: бюронинг оператори Роза МАНУНЦЕВА иш устида.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Олий ўқув юртлари талабаларига 1993 йил апрель ва май ойлари учун қанчадан стипендия тўлашни керак!

С. САИДОВА, Тошкент электр алоқаси институти 4-курс талабаси.

— Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 1 апрелдан энг кам иш ҳақи миқдори 3000 сўм қилиб белгиланган эди. Талабаларга эса стипендиялар апрель ва май ойлари учун олий ўқув юртларида ўртача 2424 сўм («ялочилар», «яхши» ўлаштирувчилар ва «қониқарли» билим олаётганлар каби уч тоифадаги стипендиялар белгиланган), техникумларда ўртача 1260 сўм қилиб белгиланган. Аҳолини иқтисодий муҳофазалаш мақсадида 1993 йил энг кам иш ҳақи миқдори 7500 сўм қилиб белгиланиши муносабати билан ўртача стипендиялар ҳам тегишлича 6000, 4700 ва 4000

ЎГАЙ КЎЗ БИЛАН

Тошкентнинг қаерига қанда босманг пул ишлашининг ўзига хос йўли топиб олиганига гўвоҳ бўласиз. Ти-жорат дўконлари уруғи борган сари кўпаймоқда. Айниқса ишбилармонлар аҳоли гавжум бўлган автобус ва метро бекатлари, бозор атрофи, йирик корхоналарга кириш жойини банд қилишиб, савдо қилишти. Худди ана шу ҳолатда хизмат доирасидаги бозор раёобати юзга келаётди. Ҳокимиятда бунинг оддий воқеа сифатида талқин қилишмоқда. Кимни

савдо қилишни истаса жой сотиб олсин, солиқ тўлаб, тозалikka риоа қила бас — олам гулистон, Афсуски, бугунги кунда матбуот нашрлари билан савдо қилувчи дўконларга ўгай кўз билан қаралмоқда.

Яқинда Қорасув даҳасининг марказидаги ҳар кунги гавжум бўладиган ва шу атрофда ягона ҳисобланган газета дўконини учрата олмадим. Унинг ўрнини нархи осмонда бўлган сақич, тамаки ва спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўкон

ағаллабди. Узоқ сураб-суриштиришлардан сўнг дўконнинг бир чеккага суриб қўйилганидан огоҳ бўлдим.

— Кунлик савдо кама-йиб кетди, ўтмаган на-шрларни қайтаришга тўғри келяпти,— дейди дўкон со-тувчиси Ҳалима Ҳайитова.— Шу чоқкача 79-дўконимиз фақат фойда келтирарди.

— Бу ҳолат ягона эмас, — дейди Тошкент шаҳар матбуот тарқатиш корхона-сининг бошлиғи Р. С. Қоси-мов.— Мирзо Улуғбек тумани маълумлари огоҳлан-тирмай ва янги жой ажрат-май туриб, Буюк ипақ йўли кўчаси, метронинг М. Горь-

кий бекати, «Болалар дунё-син» магазини қошидаги дў-конларни улдоқтириб таш-лашди... Биз ўтган йили га-зета ва журнал сотувчи бар-ча дўконларни сақлаб қолган эдик. Ҳатто чекка жойларда келтирган зарарни гавжум ердаги дўконлар ҳисобига қоплаётганим.

Кўш, қани айтингчи, кун-далик ангиллилардан воқиф қилиб туривчи газета дўкон-лари ўрнини спиртли ичи-мликлар ва сақич сотишга бўшатиб бериш инсофдани-ми?

А. ФИЛАТОВ, («Правда Востока»дан)

ХАЛҚАРО АЛОҚА

ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Келаси йилдан бошлаб Шимолий ва Марказий Қозоғистоннинг 11 та вилояти жаҳон ахборот — телекоммуникация тизимига қўйи-лади.

Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Алоқа вазирлиги Германия Федератив Республикасининг «Дойче Бундес Телеком» фирмаси билан шартнома имзоледи. Шартномага мувофиқ, Қозоғистоннинг Акмола шаҳри-да халқаро телефон станция-си ва 120 километрлик ало-қа линияси қурилиши бош-лаб юборилади.

Почта қутиси «ҳимояланди»

Бугунги кунда газета ан-ча қиммат туради. Боз у-стига уни тарқатиш учун хи-змат ҳақи ҳам арзон эмас. Шундай бўлгач, уйга ёзил-ган матбуот нашрларини почта қутисидан ўмариб ке-тишса, алам қилар экан.

Ишқар-Олалик бир муш-тарий газета ўғриларнинг хатти-ҳаракатига чек қўюв-чи антиқа йўлни ўйлаб топ-ди. У теледастур эълон қи-линадиган ҳар жумада газе-та йўқолаётгани боис шу кунги ишидан жавоб олиб, ўз ихтиросини амалда синаб кўрди. Почтачи обуна бў-линган матбуот нашрларини тарқатиб кетгач, у қутига бир неча кичик шиша идиш-ларини солиб қўйди. Тез орада темир қутидан ўзига хос огоҳ — буш ишлар-нинг тараққурига эшитил-ди. Демак, газета ўғриси «ишга» киришгани маълум бўлди. Бундай ғалати қоп-қонга дуч келишини кутма-ган ўғрининг жуфтанини рост-лаб қолишдан бошқа иложи қолмади. Бу эса кўп қават-ли уйда яшовчиларнинг обу-на нашрларини ўз вақтида ўқишларига имкон яратди.

ДЕВОРНИНГ ҚУЛОҒИ БОР

Кундан-кунга Омск шаҳрида юз бераётган ноҳус воқеалар кўпчиликини ташвишга сола-ётир. Вилоят кенгашида 1993-1995 йиллар мобайнида жино-атчиликка қарши кураш даст-тури муҳофиза этилаётган чо-гда сўзга чиққан мазкур ма-сала бўйича доимий комиссия раиси Владимир Шипилов шу хусусда гапириб, жиноятчи гуруҳлар эга бўлган радио тўқиллари тўтувчи мослама-лар Омск милицияси фаоли-ятини бутунлай издан чиқариб юборганини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрича, қонунбузар-лар ҳуқуқ-тартибот ходимла-рининг радио тўқини орқали олиб бораётган ўзаро сўла-шувларини, бемалол тинглаб тиришар экан.

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ, АММО...

Брянск шаҳридаги пулдор шахслар учун уй телефонни ўрнатиш борасида яна бир қўлайлик жорий қилинди. Кимки агар 150 миғ сўм нақд тўласа, ҳеч қандай навбатсиз зудликда телефон билан таъминланади.

Шаҳар телефон станция-си бошлиғи В. Сазоненко-нинг фикрича, бу ҳол ноҳор-лик аломатидир. Кундан-кун юқорилаб бораётган нарх-наво алоқачиларни ҳам тижорат билан шуғулланиш-га мажбур этаётди. Битта 10 миғ рақамли АТСни ишга тушириш учун 600 миллион сўм керак экан. Навбатсиз телефон ўрна-тишдан тушган маблаг ри-ҳар телефон тармоғини ра-вожлантиришга сарфланади.



• Сафар таассуротлари

Тўра МИРЗО:

«ТУРКИЯ — ХУР МАМЛАКАТ»

Оташнафас турк шоири Воқиф Самад ўгли шундай ёзганди:

Ер юзида агар бир аёл
 бор бўлса —
 Муҳаббат бор ер юзида.
 Ер юзида агар бир гўдак
 бўлса —
 Авлод бор ер юзида.
 Ер юзида бир дарахт бор
 бўлса —
 Кўлга бор ер юзида.
 Ер юзида агар бир парча
 ер бўлса —
 Ватан бор ер юзида.

Ва бу Ватан муқаддасдир! У ҳар недан улудир. Ватанин семвоқ иймондандир. Шоирнинг энг яхши шёри ватани ҳақида бўлади, дейишади. Бунга шак-шубҳа йўқ! Зеро Ватанга муҳаббат туйғуси инсонга, тарихга ва ҳақиқатга муҳаббат билан узвий боғланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, уюшма қошидаги тарғибот маркази бош директори, шоир Тўра Мирзо яқинда Туркия сафаридан қайтди. Шоирнинг бу борадаги таассуротларини ёзиб олар эканман. Ватан туйғусини янада тيرانроқ ҳис қилдим.

— Ионь ойи охирида Истанбулда туркий жумхуриятлар ёзувчилари уюшмаларининг анжумани бўлиб ўтди, — дея сўз бошлади. Тўра Мирзо. — Унда ўзбек шоири Усмон Қўчқор ижодига иштирок этдик. Анжуманда туркий халқлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, дисоний, маданий-маърифий бирлиikka эришни, ўрта тил муаммоси ва қалам ҳақларини тақсимлаш масалалари муҳокама этилиб, бу борада тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Иди бор Туркияда 1989 йили бўлгандим. Ўтган тўрт йил мобайлида Истанбул янада гўзаллашибди. Бозорлар обод, тўқинчилик. Мустақил мамлакат-да! У ерда Култур боқолиги (Маданият вазирлиги) бўлиб, унда маданият халқ таълими сингари бир неча вазирликлар бирлашиб фаолият кўрсатади. Маъмур боқолик-

нинг «Турк сўй» бўлими туркий халқлар тили бирлиги борасида иш кўради.

Туркиялик ижодкорларнинг ҳаёт тарзи шу пайтгача бизга номаълум эди. Бориб кўргач, ҳаммасларимиз ҳам увчалик тўқис яшамаслигининг гувоҳи бўлдим. Сабаби — Туркия ёзувчилар уюшмаси мустақил ташвилят бўлгани боис давлат томонидан рағбатлангирмайди. Соддароқ қилиб тушунирсан, ҳар ким ўз арвасини ўзи тортишга мажбур. Капиталистик тузумнинг бу хилдаги шайқатсизлиги кишини эркин фаолиятга, тиришчиликка ўргатади, ҳаётга тоблайди.

Турк ёзувчилари китобини ўз ҳисобидан чиқаришади. Уларнинг нуҳсаси ҳам кам. Бундан ташқари, ижодкорлар ўртасида рақобат ўта кучли. Мабодо бирор асар ўқувчилар эътиборини тезда қозонмаса, зудлик билан пештахталардан олиб ташланади.

— Турк ўқувчиларининг ўзбек адабиётига муносабати қандай?

— Етмишинчи йилларда «Турк алфавеларидан ўрнаклар» деган мажмуада Чўлпон, Ойбек, Жамол Камол, Рауф Парфи, ва каминанинг шеърлари таржима қилиб босилганди. Ўшандан сўнг турк қардошларимизнинг ўзбек шеъритига қизиқиши кучайди. Мустақиллигини кўлга киритганимиздан сўнг адабий алоқалар янада ривожланиб бормоқда. Айни пайтда турк биродарларимиз ўзбек адабиётини диққат билан ўрганишмоқда.

— Анжуманда бу борада бирон амалий иш юзасида келишиб олдидими?

— Ижодкорлар йигинидан сўнг турк шоирлари билан ўзаро мунозира бўлди. Мустақил Камол Отатурк маърасини бориб кўрдик. Туркияда Ёзарлар бирлиги, Ёзарлар Синдикаси каби бир қанча ёзувчилар уюшмалари мажбуд. Уларда ижодкорлар ўзаро рақобат

асосида мустақил иш олиб борадилар, ижод қиладилар. Турк ёзувчилари билан учрашгач, адабий алоқа борасидаги масалалар юзасида келишиб олдик. Жумладан, бу йил юртимизда турк ёзувчилари кўларини ўтказамиз. Ҳаракатлар ва бошқа ташкилий ишлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси зиммасида. Тез орада Туркияда Чўлпон ва Рауф Парфи ижодий кўларни ўтказилади. Ҳисобли дўст априлмас деганларидек, турк дўстларимиз барча ҳаракатни ўз ҳисобларига олишди.

— Туркиянинг бизга кўрсатилган теледастури негадир томошабиларга маъқул бўлмапти...

— Ростини айтсам, мен ҳам қойил эмасман. Аммо «Евросиё» Туркиянинг онг кенжа теледастури. Туркияда ўнлаб телевидение бор. Улар орасида шахсийлари ҳам мажбуд, кўрсатувлар савияси жуда баланд. Биз ҳам Ёзарлар бирлигининг тулландисида шу ҳақда гапирдик. «Евросиё» теледастурига Туркиянинг Анқара, Истанбул, Измир, Коня телевидениелари, шунингдек, марҳум президент Тургут Ўзоил оиласига тегишли хусуси — олтинчи дастур кўрсатувларидан намуналар киритиш лозимлигини қайд этдик.

— Туркиядаги нашрларнинг аҳволи қалай?

— Мамлакатда юзлаб газета ва минглаб журналлар чоп этилади. Бир-иккитасидан ташқари ҳаммаси хусусий нашрлардир. Туркияда ҳам қозғоқ қиммат. Вироқ газеталар реклама чоп этиш билан ҳаракатларни қоплашади.

— Яна қандай таассуротларингиз бор?

— Туркия ҳур давлат сифатида барча йирик мамлакатлар қаторида ифтиросидий, маданий ва ҳарбий томондан ўз нуфузига эга. Мустақил давлатимиз раҳбарияти бекиз Туркия йўлини танламаган. Қардошлардан кўп нарсани ўрганишимиз, илгор тажрибаларини ҳаётга талбиқ қилмоғимиз мумкин. Сафардан бир қанча турк ёзувчи, шоирларининг асарлари, тарихга, адабиётга оид қимматли китобларини келтирдим. Уларни таржима қилиб, ўқувчиларга етказишга ҳаракат қиламиз. Ил охиригача ўнга яқин ўзбек ижодкорлари Туркияга бориб, тажриба ўрганишади.

Сўхбатдош Юсуф РАСУЛ

ҚАРҒИШ

Тирбад автобус ичидан бир аёлнинг бақирган овози эшитилади:

— Ҳа, нул ўғирлаган қўлларнинг илоё шод бўлиб қолсин...

Қўрқиб кетаман. Қўлларинга қарайман. Бир кун келиб меннинг қўлларим ҳам шу «кўчага» кирса?! (Онанинг сўзлари ногоҳ ёдимга тушади: қарғиш ёмон, қарғиш олганининг у дунё-ю, бу дунёда охирати обод бўлмайди...) Йўқ, йўқ, Истамайман!.. Келаманда қўлларимни чопаман. Энди тинчман.

Қишлоққа қайтаман. Қўша бошида ўйнаб юрган кичи-чам мени тангача, ҳаммадан қизғанаётган котибни ҳам улоқтириб, истиқболимга талипнади. Аммо... шалтираб турган енгларим ичидан қўлларини ахтарди. «Сенга сарғич олиб келдим», дейишимга қарамай, қочиб қолади.

Менинг овозини эшитиб, қўшни аёл чиқди. Кўршимоқчи бўлиб, қўлларини ёзди...

— Вой қўлларингиз...

— Шунақа...

Мен сўзларини тугатмасимдан у фол очди:

— Бирор нарса кесиб кетдими, бирор нарса чиққанмиди?..

— Йўқ ўзим... қарғишдан кўрқиб, қочиб ташладим!

Аёл ёқасини кўтариб, ичига тушуради.

Янгамнинг қўлларига қарайман. Пишиб ўтган қовундек тарс-тарс ёрилган. Бир кун келиб улар ҳам... У мен «суқланиб» қараётган қўлларини яширади. Бир нарсаларни баҳона қилиб, ҳовли-сига кириб кетади. Мен эса унинг ортдан қичқириб қоламан:

— Янга, қўлларингизни чопиб ташла, бир кун улар сизга хиёнат қилиши мумкин...!

МУҲАББАТ

УЧУН

ЯШАЙМАН!

Ковлаб олган юрагини кўзгуда томоша қилдим. Икки томонидан икки томир ўсиб чиққан. Бирини тортиб кўрдим: бутун танамда оғриқ пайдо бўлди. Иккинчисини сиккатганимда юрак-

• Туйғулар

нинг ўзи жизиллаб қолди. Иккинчи томирини секин қайчиладим. Қон эмас, ёшлар оқди, сароб бўлган секин ёшлари... Қийновларини ҳам, қувончларини ҳам ҳаёт томирига жойладим. Томир тўлди. Пишиб, кўкрак қафасини ёриб чиқди. Тўйдим деди, фақат оҳ уриб. Кимдир юпати: «Яхши қиз» дея. Юракнинг бир томонидан «қандайдир» томир чиқди. Чиқди-ю жуда кеч чиқди. У эндигина бош уриб чиққанда, ҳаёт томири ёрилганди. У билан бирга мен ҳам ўлдим.

Яна кимдир оғир ҳўрсиниб, йиғлаб ўтди ёнимдан. Бу ҳўрсинишдан секин деган нидо келди. Қабрим тепасида қип-қизил долақиз-галдоқлар битди. Улар мени авайлаб, секин кўкна кўтаришди. Мен қайтадан дунёга келдим.

Бир сўз айтди тилим мендан сўроқчи:

— Мен муҳаббат учун яшайман!

ЮРАКДАГИ

ҚАБР

Менга доимо ҳамроҳ бўлган ОВОЗ йиша эшитилади.

— Тез бўл, ахир дарсга кеч қолсан.

— Қабрин қазиб тугатишим керак...

— Дарсдан сўнг!

— Йўқ, унганча майитни сақлаб туролмайман.

ОВОЗ гапларим чин эканлигини сезиб ваҳима билан сўрайди:

— Марҳум ким?

— Армонга айланиб қолган орзум...

ОВОЗ қайтиб эшитилмайди.

Елғизланиб қолганимдан қувонаман. Ўз ишимни давом эттиравераман. Юрагим гоҳо «не қиялсан!» деб беозор тинирчилайди. Уни тинчлатишроқ бўлиб ёлгон ваъдалар бераман.

Кўз ёшларини билан марҳумни юваман. Дод солиб, йиғламоқчи бўламан. Аммо... Тобутин аста қабрга-қалбимнинг тубига — кўяман. Ва кўксимдан сизиб чиқётган қондан тош-давҳага шундай сўзлар битаман: «Сенга етолмадим...».

Лайло КАРИМОВА, ТошДД талабаси

АҚА ЁШДАМИ?

Буёқ шахслардан асаритининг истеъдоди барвақт намоён бўлган. Навоий 6 ёшдан, Пушкин — 9, Лермонтов—10, Гёте—12, Байрон ва Шиллер — 16 ёшдан шеър ёза бошлаган.

Прокофьев, Моцартлар ҳам мусиқа соҳасида қобилиятларини болалигиданоқ намоён қилишган.

Буёқ Моцарт ўзининг биринчи асарини уч яшарлигида басталаган. 12 ёшда эса «Бастьен ва Бастьена» операсини яратган. Унинг бу асари ҳалигача бадий қимматини йўқотмаган.

Мўйқалам даҳолари Релин, Серов ижодини 4 ёшлигида бошлашган.

20 ёшда М. Лермонтов «Маскарад» поэмасини ёзиб тугатган.

А. С. Пушкин «Руслан ва Людмила» поэмасини 17 ёшда ёзган. Ф. Шиллер шу ёшга тўлар-тўлмас дунёга

маъшур «Қароқчилар» фожиясини битган.

Космонавтика ва ракета техникаси асосчиси К. Циолковский газлар кинетик назарияси асосларини тавсифлаб берганида 23 ёшда эди.

М. Шолохов ўзини дунёга танитган «Тинч Дон» романининг биринчи китобини ёзганида 23 га тўлмаган эди. М. Лобачевский шу ёшда математика фанлари бўйича профессор бўлган.

Еш олим А. М. Ладигин электр чирогини кашф этганида 25 га кирганди.

Акмал Икромов 24 ёшлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланган.

Юрий Гагарин курра одамларини лол қолдириб, фазога парвоз қилганида 27 ёшда эди.

А. ИНОҚОВ тўлаган



Болаликовнинг бегубор 106 гоҳи...

Сураткаш: А. МАМАДИНОВ



МИР АРАБ МАДРАСАСИНИ КИМ ҚУРГАН?

Муборак Хусайний сайидларидан бўлиб, Мир Араб номи билан танилган Амир Абдулла Яманийнинг шариф ўғлидир. Аларнинг асл ватани Хазра-Мавтдир «ва у жой Иман ўлкасига қарашли шаҳарлардан бири ҳисобланади, баъзиларнинг айтишича, бу ер қилмлар нариёғидаги юрт эмиш ва ҳазрат Худ пайгамбарнинг муборак қабри ўша ердадир. Қуръони мажидда номи тилга олинган Од қавми қўрган Машид қасри ўша ерда бўлган. Айтишларича, қадим замонда ўша ўлка ери остидан бир сопол идиш топишган бўлиб, унда бир ман оғирликдаги бугдой бошоғи бор экан ва унинг ҳар бир донаси товуқ туҳумидай келаркан. Ҳозир эса қишларда инсоф йўқлиги ва эл орасида ёмон қилиқ-одатлар кў-

пайгани учун орадан баракат кўтарилиб, ризқимиз асоси — бугдой ҳам шу миқдорга келиб қолган. Ҳазрати Мавт яқинида Қо деган бир дашт-йиёбон бор. Савдогарлар уни кесиб ўтиб, Уммон томонга кета бошлаганларида «фалон бин фалон, матоҳи эса казо ва баҳоси ҳам шунча дирҳам бўлажак» деган бир овоз эшитилар экан. Уммон бозорига келиб, савдо-сотиб қилганларида эса ҳақиқатан ҳам шу баҳодан бошчага сота олмас эканлар. Шу шаҳар ҳукумати бир пайлар Амир Яманий қариндошларига таллуқли бўлган. Ногаҳон Мирда бир жазаба ҳосил бўлиб, зоҳирий оламларни тарк этиб, кўп мушоадалардан сўнг ҳазрат қутул аборр Хожан Аҳрорнинг қамоли ва жамолига мушар-

раф бўлган ва шундан кейин алар этагидан тутиш давлати ва аларга эргашиб нисбати амирга nasib этган. Бу мулозаматга етишув роҳати аламлар жароҳатига малҳам қўйган ва янги футуҳлар, чекиз файзлар ҳосил қилиб, дин йўлининг ҳодисин ва ҳоқонлар муридид бўлганлар. Амирнинг олий ҳимматига ёрқин бир намуна эса алар қурдирган олий мадраса Мир Араб илмгоҳидир (1536 — И. Б.).

Амир Яманий 75 ёшларида ҳаёт билан хайрлашиб, йўлни ваҳдат саропардиси сари солди. Ҳазрат Убайдуллохон (1540) аларнинг шариф ўғли (Муҳаммад Боқирнинг ёшлигига қарамасдан касирул-барокот сайдо-д сифатида қадимни қутлуғ тутарди ва ахтиромлар кўрсатарди. Бу аънъани ҳо-

Зирги замон султонлари ҳам бажо келтириб, Муҳаммад Боқир эъзоз-икромига жуда эътибор бериб келмоқдалар. Шариф зоти фазилатлар мажмуасидир. Илмлар ҳам ҳосил қилган. Гоҳо мазкур мадрасада дарс ҳам ўқитди. Ҳазз-хузур борасида ҳам соҳибни ихтиёр, ўтириш ва йнгишларда хуш ҳулқлик намоён этади ва одамлар унинг ошнолигига ошиқадилар ва бу танишлик лаззатидан фиррифта бўлиб, ҳайрат бармоғини тишлайдилар.

Ҳамиша фазилат аҳли Мирмуҳаммад Боқирнинг шариф манзилга нузул қилиб турадилар ва унинг фазилатлари дастурхонидан баҳраманд бўладилар.

Салим таъби ва мустанжим эҳни бор. Бу байтлар эса унинг латиф шеърларидандир:

Ерро сун асирон назаре нест дигар,
Жониби бесару поён гузаре нест дигар.
Гарчи хубон ҳама хубанд дар ин аҳд, вале,
Аа ту, эй шоҳи бутон, хубтаре нест дигар.
Яманий сон ба ҳаёли қалдат, эй сарин равон,
Бар сари кун ту ўфтодатаре нест дигар.
(Мазмуни:
Ер ўз асирлари томон назар солмас энди,
Ишиқда қул-оқдан қолганлар сари йўли тушмас энди,
Гарчи бу замонадаги барча хўблар Аҳидирлар,
Аммо, эй саналар сарвари, сендан яхшироғи топилмас.
Яманий мисол, қаддинг орасида, эй сарин равон,
Кўчган бошида йиқилиб ётган йўқлар бу байтлар).
Ҳасан Хона Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» китобидан Исмом БЕКҲОН таржимаси.



Раққосалар хирон этганда...
Сураткаш С. МАҲКАМОВ

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Гарбий Германиянинг Метиндорф шаҳри фуқароси, 58 яшар Бругиляда Штатингбург денгизчиларнинг рафиқалари учун махсус газета нашр этмо, муштарийларга муурожаатномасида шундай ёзади: «Узоқ денгиз сафарига кетган севикли ёрингизни соғинганимизда дардингизга шахматдан яхшироқ даво йўқ».

Америкалик таниқли кинорежиссёр Стенли Кубрик Лондонда чиқадиган «Делли экспресс» рўзномасида берган суҳбатда фильм устида ишлаётган кезларида нима қилиш лозимлигини кечаси ҳар тарафлама чамалаб олишини айтди. «Қачонлардир ёшлик йилларимда шахмат мусобақаларига шу тарада таянгарлик кўрардим, — дея ҳикоя қилди режиссёр. — Бу шахматда вақт тежашга, режиссёрлик ишида да эса ҳам вақт, ҳам пулни иқтисод қилишга ёрдам беради».

Француз rassomi Альдеркес Пиктор 1470 йили Таби ибодатхонаси деворларини безаётиб, ажал билан шахмат ўйнаётган киши тасвирланган расмни яратди. Швед кинорежиссёри Ингмар Бергманининг айтишича, шу расм уни «Ёттинчи муҳр» фильмида ридарнинг ўлими билан шахмат ўйнаётган пайтини акс эттиришга ундаган.

Машҳур италян математиги, файласуфи ва шифокори Жероламо Кардано (1501-1576) 24 ёшида шахмат юзасидан олиб борилган тадқиқотлари тўғрисида асар ёзади. Аммо унинг бу иши бизгача етиб келмаган. Кардано билдирган мулоҳазалардан фақат биттасигина сақланиб қолган: «Шахмат инсонга ўз ақтиросини сақлаш, истаklarини инқонитлар билан қиёслашда кўмаклашда, бир сўз билан айтганда шахмат доноликни ўргатади».

1795 йили Филддорнинг вафот этиши муносабати билан Лондонда чиқадиган «Уорлд» рўзномасида қуйидаги хабар босилди: «Ўтган дуншанба кунини дунёга машҳур француз шахматчиси Филддор ўзининг охири юришини қилди».

Аргентинанинг ҳозирги замон ёзувчиси Хорхе Луис Борхес шахматни «бир-бирига ўхшаматган илмийлашган китобга яшириниб ётган инқоният чексиз, битмас-туганмас жумбоқли кутубхона»га ўхшатади.

А. ИНОҚОВ тўплаган

Дунёда катталар ўзининг соғлиғи учун чарнамасдан қайғурётган бўлса, америкаликларнинг ёш авлоди жисмоний тайёргарлик бўйича фақат 20-ўрнини эгаллайди. АҚШ ўқувчилари жисмоний камол топишни умуман хоҳлашмайди. «Бугунги Америкада хоҳлаган нарсаси муҳайё, ўз ҳаётиндан рози болаларни кўраямиз: улар беғам ва ҳеч қандай муаммони ҳис қилишмайди», дейди машҳур кино юлдузи Арнольд Шварценеггер «Тайм» журнаliga берган суҳбатиде.

Бўлғуси кино юлдузининг отаси Густав Шварценеггер Арнольд ва унинг укасидан ҳар кун 15 дақиқадан қўлга таяниб гавдани кўтариш ва ўтириб турши машқлари бажаришни талаб қиларди, «Менин отам аввал нонушта учун ишла, деб айтарди», дейди 44 ёшли актёр. Катта Шварценеггер ўғилларидан ҳар доим ақлий қобилиятини ўстириб боришни талаб қиларди. Болалар яқинба кунлари театр ёки музейга бориб, ўз таассуротларини ёзишлари шарт эди.

Қаттиқ кинизом яшаш шартини оғирлиқ билан қўшилиб, ёш Арнольд қалбиде яхши ҳаётга қизиқиш ҳиссини кучайтирарди.

У 11 ёшга тўлганда бу «яхши ҳаёт» қаерде жойлашганлигини тушунди. «Мен умрида биринчи марта америка фильмини кўрдим ва Америкадан ҳайратландим, — деб ёзади у «Менз фитнесс» журналинде. — Кутилмаганда тор шаҳарда яшаш зерикрлик эканини тушундим. Қандайдир улуг ишни, баланд иморатларни, муҳим вазифаларни, кўп пулни орзу қилардим. Менга АҚШдаги ҳамма нарсаси улғувор туялардим.

У муваффақиятга олиб борувчи йўллардан бири оғир вазили спортчи бўлишини билиб қолди. Ота-онаси фарзандига чанги ёки гольф билан шуғулланишини маслаҳат беришарди, аммо Шварценеггер бодибилдинг бўйича чемпион бўлишни хоҳларди. «Мени Америкага шу спорт турини олиб боради, деб ҳисоблардим», деганда у кейинчалик «Роллинг стоун» журналинга берган суҳбатиде.

Шундай ҳам бўлиб чиқди. 1968 йили Шварценеггер Флориде штатида Майами кентиде «Олам мистери» унвонини учун ўтказилган танловда қатнашди. У ерда «Мушаклар ва саломатлик», «Флекс» ва «Шейп» журналларининг ношири Жоу Уэйдер билан танишиб қолади. Уэйдер ўз нашрларига австриялик ёш спортчини (немис тилида) мақолалар ёзишга таклиф қилди. Шварценеггер кўп ўтмай Лос-Анжелосдаги Калифорния университети қошида очилган бизнес мактабиде ўқиш бошлади. У дўсти Френко Колумбо билан «Пемпинг брикс» деб номланган гишт қолиплаш компаниясига асос

Кино юлдузлари ШВАРЦЕНЕГГЕРНИНГ АМЕРИКАЧА ОРЗУСИ

солди ва тошган пулни Жаңубий Калифорния жамгармасида тўплай бошлади.

«Мен америкача орзунига ишонардим», деб ёзганди у. Шварценеггернинг орзуси ушелди. У бодибилдинг спортчиси сифатида ақл бовар қилмайдиган, мислсиз ютуқларга эришди. Шварценеггернинг бизнеси ҳам гуллаб-яшнади: жамгармаде сақланаётган маблағи кўпайди. У янги ишни бошлади — почта орқали кесеталар сотадиган бўлди, бундан ташқари бодибилдинг бўйича бир неча китоблар ёзди.

Аммо Шварценеггер ноёб ютуғига қарамасдан янада кўпроқ нарсани хоҳлаётганилиги тез кунларда маълум бўлди.

Нью-Йоркде ўтказилган «Америкалик жаноб» танловига янги бодибилдинг ҳаққиде китоб ёзишни ва ҳужжатли фильм ишлашни таклиф қилишди. Шу аснода ёзилган Шварценеггернинг «Метин му-

шакларни тартиб» китоби ва ўзи ҳаққидеги фильми 30 ёшли спортчи доверуғини оламга таратди.

Бутун дунёда оддийгина қилиб Арнольд деб атаётган бу одам ҳозирги кунда Америка миллиардларининг биринчи ҳисобланади. Унинг «Арефа», «Терминатор», «Ваҳший», «Коммандо» ва «Терминатор-2-Суд кунин» фильмлари бутун дунёда севиб томоша қилинади.

«Чет элда мени бир вақтнинг ўзиде америкалик ва европулик сифатида қабул қилишди, — деб айтганди Шварценеггер «Тайм» журналин муҳбирига. — Улар менде шахсий устуликни ҳис этиш каби аме-

ган. «Мен шу заҳоти яқин орадеги ёки кечроқки шу хотинга уйланамен, деб айтгандим», — дея там олади у.

Бироқ Арнольд биринчи бўлиб севиб қолгани йўқ. «Мен дастлабки пайтдан бошлаб Арнольд туфайли ҳушимни йўқотгандим, — дейди Шрайвер хоним. — У билан илк бор учрашган чоғимдаёқ унга турмушга чиқмоқчи бўлганмен. Унинг мустикалигини, диққат-эътибори, кучи, ҳушқакқилиғи мафтун этганди. Бундай эр билан доимо жанговар тайёргарлик кайфиятида яшашга тўғри келади, деб ўйладим. Бу осон эмас, албатта, аммо қизиқарли. Мен унинг кўп нарсасига эришишга ишонардим».

Демократик фирма тарафдорлари бўлган Шрайверлар олмас республикачи Шварценеггерни қандай қабул қилди? «Арнольд расман республикачи, аммо дўстларининг барчаси демократлардир, — деб тушунтиради Шрайвер «Гуд хаусинг» журналинде. — Одамлар у социалистик мамлакатде вояга етганини тушунишмайди. Америкага келган эмигрантларнинг кўпчилиги давлат ишлариде муимкин қадар камроқ қатнашишга интиляшадилар».

Шрайвер ва Шварценеггер турли сибсий фирчаларининг тарафдорлари бўлишига қарамасдан, болалар тарбиясини энг муҳим иш деб ҳисоблашадилар.

Яқинда маълум бўлдики, Шрайвер 3 ёшли Катринни тайёров мактабидеги биринчи машгулотларга ўзи олиб бориш учун ҳетто Фидел Кастро билан суҳбатлашини ҳам бошқа вақтга қўчирди. Унинг телекомпания билан қайта шартнома тузиш ниятида эмаслиги ҳаққиде миш-мишлар юрибди. Арнольд эса болалар билан тушлик қилиш ва ўйнаш инқониятига эга бўлиш учун гаройиб мамлакатларде суретга тушишдан бош тортаяпти.

Шварценеггер ҳамма нарсасида — спортда, кинода ва оилавий ҳаётде муваффақиятга эришгани кўриниб турибди.

Русчадан Нурмуҳаммад МУҲАММАД ўғирди

**КИЧКИНА
ДЕМАНГ БИЗНИ**

— Отажон! Тараққийёт ва инқироз дегани нима ўзи?
— Ҳмм... Сенга буни қандай тушутирсам экан. Тараққийёт дегани — бу шампан виноси, «Мерседес» машиниси ва гўзал аёллар! Инқироз эса — бу лимонад метро ва сенинг онанг!

— Бобожон, менга юз сўм қарз бериб туринг, нафақадан қайтараман.
— Қанақа нафақадан? Сен ҳали ўн саккизга ҳам кирмагансан-ку?!
— Бувимниқидан...

— Акмал, сен аълога жавоб бердинг. Қундалиғингни олиб кел, баҳонини қўйиб берай, — деди муаллим.
— Афсус, кундалиғимни уйда қолдирибман, — деди Акмал бўшаганча.
Шунда партидоши Асил ғажўрлик билан деди:
— Сенга кундалиғимни бериб туришим мумкин.

Жасурга турган кунда уйинчоқ совға қилишди. У ўйинчоқни обдон айлантириб кўраркан, иштиёқ билан сўради:
— Буни қанақа қилиб синдириш мумкин ўзи?

Ота ўғлига танбەх бериб, деди:
— Тишингни етти марта тазаладинг. Ахир ҳозир тиш тастаси қимматку!

Шоир Мавлон Икромни таниганлар энг аввало унинг яхшигина овчи эканлигидан гапирдилар. Қамива Мавлон Икром билан наشريётда ишлаган йилларимиз бу шоирнинг софдиллиги ва ҳалоллиги, софдиллиги ва ростсўзлигини кўрганман, бунга тан берганман.

Касаба уюшмасининг навбатдаги мажлиси чақирилиб, унда ташкилий масалалар кўриляётганди. Нашриётнинг катта залига одам сиймайди. Нашриётнинг ютуғ ва камчиликларида касаба уюшмасининг вазифалари ҳақида бўлим мудирини, уюшма раисини, таржимон Носир Содиқов маъруза қилди. Муҳокама ва мунозара узоқ давом этди. Сўнг касаба уюшмасининг янги таркиби сайланадиган бўлди. Ўн бир кишидан иборат янги таркиб сайланди. Бу рўйхатда Мавлон Икром ҳам бор эди. Эни-

**НЕГА
ВОЗ
КЕЧДИ?**

ди касаба уюшмасининг раиси ким бўлади деган масала турарди.
— Мавлон Икром раис бўлсин! — деб таклиф кийрипти нашриёт директори Рамаз Бобожон.
Ҳамма бир овоздан бу таклифни маъқуллади.
— Мавлон Икром раис бўлсин!
Ўз таклифи маъқулланганлигидан мамнун Рамаз ака:
— Мана, Мавлон Икром

қасаба уюшмасининг раис бўлди. Қаршилар йўқми? — деб сўраб қолди.
Шунда орқа қаторда ўтирган Мавлон Икром қўл кўтарди.
— Хўш, гапирасанми, Мавлон? — сўради директор.
— Йўқ! Аммо мен раис бўлолмайман!
— Мавлоннинг гапи қабул қилинмасин. Нима дейсизлар? — деди бошқарувчи.
Мавлон Икром эса нуқул:
— Мен раис бўлолмайман! — дерди.
— Хўш, нега? — ниҳоят сўради Рамаз ака фигони фалакка чиқиб.
— Ахир мен касаба уюшмаси аъзоси эмасман-ку! Қандай қилиб раис бўлай?
Кулгу ва қаҳқаҳадан залларга келди. Мажлис яна Носир Содиқовни раис қилиб сайлади.
— Ман, Мавлон Икром

ТўЛҚИН



ХАНДАЛАР

Навбатда турганлар олди-га бир хотин ҳалослаб келиб сўради:
— Нима берапти?
— Дюма.
— Бу кремплиндан яхшимин?
— Билмадим, ҳали ичиб кўрганми йўқ.
Пойга маҳали бир от ёнидаги шеригидан сўрабди:
— Қани тўғрисини айтчи, сенда қанча от кучи бор ўзи?
— Бизни ажратмаганингизга қўяйман! — деди

эр судда. — Хотиним ётоқхонамизда эчки боқади, ҳидига тоғат қиллолмайман.
— Сизга ачинаман, — дейди судья бошини лиқиллатиб. — Дарвоқе, деразани очиб қўйиш мумкин эмасми?
— Э нималар деяпсиз? — дея хитоб қилади давогар. — Унда ҳамма кабутарларим учиб кетади-ку!
— Ўта парижонхотирлик дегани нима ўзи?
— Ўта парижонхотир одам хизмат сафаридан хотинига тилла узук, маъшуқа-

сига эса кир қўйлагини олиб келади.
Қишлоқдан келган бир одам катта шаҳарга келиб, ресторанга кирибди. Таомлар рўйхатини кўздан кечираркан, сўрабди.
— Бу... икра дегани қандай овқат?
— Сизга қандай тушутирсам экан? Икра дегани, бу... наттақон балиқнинг туҳуми.
— Жуда соз. Унда менга ўша туҳумдан иккитасини қовуриб беринг.
— Ҳақиқий жентельмен қандай бўлади?

— Хотинини ўпаётганда оғзидан трубкасини олиб кўядиган эркак ҳақиқий жентельмендир.
— Қизим, нега мен билан таништириш учун йигитингни уйга таклиф этмадинг?
— Таклиф айтдим, у сени бир неча бор кўрганни, аммо шунга қарамай барибир мени яхши кўраверишини айтди.
— Эрим билан ажрашмоқ чимай. У хонадонга, оилга бутунлай бефарқ. У ҳатто сўнги фарзандимизга ота ҳам эмас.

КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК

Кайфи тарақ ота боғчадан бегона бир болакани етаклаб келди. Буни кўриб, онанинг фигони фалакка чиқди.
— Ахир... и-нима фарқи бор? — деди ота ҳайрон бўлиб. — Барибир эрталаб яна жойига оориб қўйилади-ку!

Газетада жарроҳнинг бемор қорнида қўлқопини унутиб қолдиргани учун яна қайта операция қилишга мажбур бўлгани ҳақидаги хабарни ўқиган аёл қўшинсига деди:
— Товба, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Худди шундай воқеа раҳматли эримни операция қилишганда ҳам бўлиб ўтганди. Ушанда мен жарроҳга юз сўм бериб, «Мана шу пулга янги қўлқоп сотиб ола қолинг, оқовси» деганман!

— Жойгина! Бугун мен ақойиб бир туш кўрдим. Тушимда мен сўқабаш эришиман, сендан менга турмушга қўйинингни сўрашиман...

— Намунча бундан шунчалар суяяпсан?
— Сен менга рад жавобини берганмишсан!

— Бу қанақаси, шимимни анча қисқа бичибсиз-ку?!
— Йўқ, жаноб, сизнинг бир оёғингиз иккинчисидан узунроқ экан.

— Елгончи! Сен менга сўз бериб, унинг устидан чиқмадинг!
— Майли, йиғлама... Истасанг, мен сенга яна бошқа сўз бераман.

Судья гувоҳ аёлдан сўради:
— Хўш, оилавий аҳволингиз қандай?
Аёл чуқур хўрсинди.
— Ҳа, демак турмушга чиқмагансиз...
Судья гувоҳ эркакдан сўради:
— Сизнинг оилавий аҳволингиз қандай?
Эркак ҳам чуқур хўрсинди.
— Тушунарли, — деди судья, — демак, уйлангансиз...



Нозиднинг ҳолати йўқ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Еқубжон ХУҲАМБЕРДИЕВ
Бобоҳон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
Воҳид АЪЗАМОВ
Билол АМИНОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўл ёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 000011.
Буюртма № 1 — 457.
27090 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди, Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

123456